

---

## „ЎЗЎВОН ТАРИХИ" ЯРАТИЛАДИ

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов ҳузурида „Ўзёвон тарихи" китобининг яратувчи ижодкорлар Алишер Тошқулов, Аҳмаджон Исмоилов бевосита шу соҳага алоқадор мутасаддилар- туман ҳоқими маслаҳатчилари Азимжон Худойқулов, Наргиза Обидова, ХТБ мудир Фозилжон Юлдашев, ҳоқимлик ташкиллий- назорат гуруҳи раҳбари Суҳроб Мақсудов, статистика бўлими бошлиғи Алишер Арапов иштирокида йиғилиш бўлди. Туман тарихи китобини яратиш бўйича ҳаракат анча илгари бошланганди. Бу бўйича фармойиш ҳам қабул қилинганди. Афсуски, қолиб кетганди. Иштирокчилар китобни яратиш бўйича ўз фикрларини айтиб, таклифлар билдиришди. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги ва Ўзёвон тумани ташкил этилганининг 70 йиллигига бағишланадиган бу китоб 500 бет атрофида бўлади. Шунингдек, йиғилишда туман тарихи музейи масаласи ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Туман ҳоқими йиғилишга яқун ясар экан, сифат ва мазмунга эътибор қаратишни таъкидлади.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОҚИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

2021-06-07 17:11:08